2016 ЙИЛ 19 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 81 (13.144)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 71 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. 1941 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 800 000 (саккиз юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда 1941 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" Ўзбекистон ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадиий академия, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 18 апрель

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚАРОР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ва партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан Президентимиз Ислом Каримовнинг "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифаларга бағишланган тадбир ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари С.Турдиев, парламент қуйи палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Т.Эшназаров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар иқтисодиётимиз барқарорлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик изчил ривожланмоқда. Ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.


Давлатимиз раҳбарининг қарори ички бозорни сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, қайта ишлаш корхоналарини хомашё билан мунтазам таъминлаш, ташқи бозорларга харидоргир ва рақобатбардош маҳсулотлар экспорти ҳажмини кўпайтиришга асос бўлиши таъкидланди.

Мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси жорий этилиши, уларни сотиб олиш учун шартнома қийматининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўнак берилиши, бозор нархларида харид қилиниши фермер ва деҳқон хўжаликлари учун катта имкониятлар яратиши қайд этилди.

Ушбу қарор мазмун-моҳиятини деҳқон ва фермерлар, тадбиркорларга етказиш, мева-сабзавотларни етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр алмашилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





Акил Ғуломов олган суратлар

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқлари изчил ривожланаётгани билан ушбу соҳаларга ихтисослашган кадрларга бўлган талаб ҳам ортмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ЯХШИ МУТАХАССИСГА ҲАМИША ИШ БОР

Юртимизда кадрлар тайёрлаш масаласига таълим сифати ва меҳнат бозорини чуқур ўрганиш асосида ёндашилаётгани катта самаралар бераётир. Хусусан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, уларнинг мутахассисларга бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйилган. Бундан мақсад таълим тизимини иқтисодиёт тармоқлари билан мутаносиб тарзда ривожлантириш, ёшларни аниқ касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда битирувчиларни ўз касби бўйича ишга жойлаштиришдан иборатдир.

Бундай ёндашув натижасини Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи мисолида ҳам кўришимиз мумкин. 1998 йилда ташкил этилган мазкур коллежда менежер, бухгалтер, монтажчи-электрик, механик, чилангар, авиация техниги, модельер-конструктор каби мутахассислар тайёрланади.

Коллежда барча зарур шарт-шароит яратилган. Замонавий лаборатория, ишлаб чиқариш устахоналари, мультимедиа, компьютер ва лингофон хоналари ёшларнинг билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллашига хизмат қилаётир. Ахборот-ресурс маркази, кутубхона, спорт зали, ошхона ўқувчилар ихтиёрида.

– Коллежимизни битирган ёш мутахассисларга талаб жуда юқори, – дейди Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи директори Зокир Ғаниев. – Ўқувчиларимиз амалиёт ўташ чоғидаёқ доимий иш ўрнига эга бўлмоқда. 2015 йилда 480 нафардан зиёд ўқувчи коллежни битирди. Уларнинг 85 фоизи ўз соҳаси бўйича ишга жойлашди, қолганлари олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

Коллеж битирувчиларига "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Тошкент механика заводи" акциядорлик жамияти каби йирик саноат корхоналари талабгор. Бугунги кунда юқори синф ўқувчилари шу ва шу каби ташкилотларда амалиёт ўтаб, меҳнат кўникмаларини оширмоқда. Коллеж, битирувчилар, ишлаб чиқариш корхоналари ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасида имзоланаётган тўрт томонлама шартномалар асосида йигит-қизларнинг келгуси иш жойлари белгиланмоқда.

– Иш бошлаганимга бир йил бўлди, – дейди Тошкент халқаро аэропорти зал назоратчиси Нодира Улашова. – Авиасозлик коллежида олган билим ва кўникмаларим амалиётда қўл келмоқда. Ишим ўзимга жуда ёқади.

Ёшларни иш билан таъминлаш, ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган бундай кенг имкониятлардан самарали фойдаланаётган Нодира сингари йигит-қизлар сафи тобора кенгаймоқда. Мамлакатимизда таълим олиш, касб-ҳунар эгаллаш ва ишга жойлашиш учун яратилаётган имкониятлар ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

АКТ СОҲАСИДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимиздаги Инха университетида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон – Жанубий Корея илмий-амалий форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, дастурий таъминот ва электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби қатор соҳаларга ихтисослашган компания ва концернлари, илмий тадқиқот марказлари вакиллари, ишбилармонлар, олимлар, етакчи экспертлар ҳамда нуфузли таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Х.Мирзоҳидов ва бошқалар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида барча соҳада изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил май ойида Корея Республикасига давлат ташрифи давомида кўплаб соҳалар қатори ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир ҳужжатлар қабул қилинди.

Бугунги кунда жаҳонда ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 5,5 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келмоқда. Мутахассислар 2020 йилда бу кўрсаткич 9 фоиздан ошишини таъкидламоқда. Айни пайтда Корея Республикасининг ялпи ички маҳсулотида ахборот-коммуникация технологияларининг улуши 11,8 фоиздан зиёдни, Швецияда 7 фоизни, Америка Қўшма Штатларида 6,8 фоизни ташкил этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июндаги Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури доирасида ахборот ресурслари ва тармоқларини изчил тараққий эттириш, давлат бошқарувининг барча жабҳаларида АКТни кенг жорий этиш, "электрон ҳукумат" тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуни давлат органлари фаолиятига АКТни татбиқ этиш ва электрон ҳукумат тизимини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Соҳада қатор дастурлар ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юридик ва жисмоний шахсларга кўплаб хизматлар кўрсатилаётир. Бу жараёнда коммуникация тармоқлари техник ва технологик қайта жиҳозланиб, интерактив хизмат кўрсатиш сифати ортиб бормоқда.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

● Наманганда "Ўзбекистон – умумий уйимиз" республика дўстлик ва маданият фестивали ҳамда "Соғлом авлод тарбиясида миллатлараро тотувликнинг роли" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

● Андижонда фермер хўжаликларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишга қаратилган фаол экспорт сиёсатини қўллаб-қувватлаш борасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳлари вазифасига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Навоийда маданият ва аҳоли дам олиш марказларида бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва тўгаракларини ташкил этиш мавзусида республика семинари ўтказилди. Тадбир доирасида турли кўргазма ва учрашувлар ташкил этилди.

● Хоразмда ўтказилган "Камалак" билимдонлари" кўрик-танловининг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа иштирок этди. Танловда таништириш маҳорати, ташкилот фаолиятига оид савол-жавоблар, "Камалак" қуйи бўғинлари ва ўқувчилар ҳаётида юзага келадиган муаммолар ечимини саҳна кўринишида талқин этиш, шунингдек, ёшларнинг фаоллигини янада ошириш, уларда етакчилик қобилиятини шакллантиришга қаратилган ижодий лойиҳалар тақдимоти намойиш қилинди.

ЖАҲОНДА

● Франция ва Миср ўртасида иқтисодий соҳада ҳамкорлик қилиш юзасидан 1,8 миллиард долларлик битим имзоланди.

● Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки бошқаруви органларининг навбатдаги мажлисида глобал иқтисодий ўсиш истиқболи пасайгани ва унинг умумий секинлашиш хавфи мавжудлиги таъкидланди. Экспертлар дунё миқёсидаги геосиёсий танглик, инқироз ҳамда қатор ижтимоий муаммолар ҳам яқин келажакда глобал иқтисодиётга қўшимча хавф туғдиришини билдиришди.

● Ҳиндистонда апрель ойи бошидан буён жазирама иссиқдан 30 дан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмди. Кучли иссиқ айниқса Одиша штатида кўп қурбонларга сабаб бўлган. Унинг пойтахти Бухубанешварда душанба куни ҳаво ҳарорати 45,8 даражага етган. Жазирама сабабли кўплаб давлат ташкилотларининг фаолияти вақтинчалик тўхтатилган.

Маҳалла — демократия кўзгуси

ОШКОРАЛИК, МУҚОБИЛЛИК ВА ТЕНГЛИК

фуқаролар йиғинлари сайловининг асосий тамойилларидир

Маълумки, маҳалла халқимиз ҳаётида асрлар давомида шаклланган, замонлар синовидан ўтган, энг ноёб, энг адолатли бошқарув идораси сифатида ўзини ҳар томонлама намоён этган. Дарҳақиқат, халқимиз азал-азалдан жамоа бўлиб яшаш орқали ўз миллий қиёфасини, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиб келган. Истиқлол йилларида эса бевосита Президентимиз раҳнамолигида маҳалла ваколатлари кенгайтирилди, нуфузи ошди, муҳими, ислоҳотлар жараёнидаги иштироки тобора салмоқ касб этмоқда. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари томонидан илгарилари маҳаллий давлат бошқаруви органлари ваколатига кирувчи 30 дан зиёд вазифа муваффақиятли бажариб келинаётгани шундан далолатдир.

Жорий йил май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир бўлгани боис унга республикамиз бўйлаб кенг кўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридан келиб чиқиб, сайловнинг ошкоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтиши учун барча чоралар кўрилаяпти.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, маҳалла фаолияти самарадорлигини таъминлашда, энг аввало, замонавий фикрлайдиган, узоқни кўзлай оладиган, ўзининг аниқ ҳаракат дастурига эга раислар ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш муҳим ҳисобланади.

Ўтган даврда фуқаролар йиғинларига ўтказилган сайловлар аҳолининг ҳуқуқий билимини ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳақиқий мактаб вазифасини ўтади, дейиш мумкин. Энг муҳими, аҳолининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган ишончи ортди, маҳаллада яшовчи ҳар бир инсоннинг юртимизда, жумладан, ўз ҳудудида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва янгиланишларга дахлдорлик ҳисси янада кучайди.

Бу борада, шубҳасиз, соҳанинг изчиллик билан такомиллаштириб борилаётган қонунчилик асоси мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Янги таҳрирдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунда эса сайловларни ўтказиш тартиби батафсил ўз ифодасини топган. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда белгиланганидек, ушбу муҳим тадбирни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи тамойиллари асосида амалга оширилади.

Энг аввало қайд этиш жоизки, сайловларнинг демократик хусусияти уларни ўтказиш ва тайёргарликнинг барча босқичида шаффофликни талаб қилади. Бу жараён очиқ ва ошкора амалга оширилади. Масалан, фуқаролар йиғини ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар воқиф этилади, фуқаролар вакилларининг йиғилиши, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар ҳақида, овоз бериш якунлари тўғрисида хабардор қилинади. Мазкур жараённинг барча босқичи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилади.

Ҳозирги вақтда республикамизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлари тузилган бўлиб, улар фаол иш олиб бормоқда. Уларнинг сайлов жараёндаги асосий вазифаси қонунчиликка сўзсиз амал қилишни таъминлаш ҳамда аҳолини фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар билан ҳар томонлама таништириш, сайловларни ўтказиш ва ташкил этиш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини самарали ташкил этишдан иборат. Айни чоғда кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар томонидан мазкур йўналишларда кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Сайловнинг муқобиллик асосида ўтказилиши ҳақида тўхталадиган бўлсак, қайд этиш жоизки, унда икки ва ундан кўп номзод иштирок этиши назарда тутилади. Бундан ташқари, номзод томонидан илгари суриладиган маҳаллани ривожлантириш дастури сайлов ҳуқуқи сифатида муқобиллик асосида кўриб чиқилади. Мазкур ҳуқуқни амалга ошириш орқали фуқаролар вакиллари муайян ва ўйланган қарорни қабул қилади, ўз дастурининг ишончлилигини асослаб бера оладиган, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга, ҳаётий тажрибасини амалиётга қўллай оладиган номзодга тўхталади.

Тенг сайлов ҳуқуқининг муҳим асоси мамлакатимиз Конституциясида белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга ва қонун олдида тенгдирлар. Ушбу конституциявий тамойил янги таҳрирдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир, дея белгилаб қўйилган. Бу ҳар бир фуқарога сайлаш ҳуқуқи субъекти бўлишда, зарур сайлов ишини амалга оширишда, сайлов ҳуқуқи соҳасидаги муносабатларни такомиллаштиришда бир хилда юридик имконият берадиган муҳим тамойил ҳисобланади.

Ўз навбатида, бу тамойиллар, умуман олганда, фуқаролар йиғинлари сайлови қонунчилиги, унинг ўзига хос жиҳатларини ва фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчилари лавозимларига юксак ишчанлик ва ахлоқий фазилатларга эга, эл-юрт ишончини қозонган, обрўли инсонларни сайлаш муҳимлигини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш айни муддаодир.

Шундан келиб чиқиб, жойларда фуқаролар йиғинлари сайловларини юқори савияда ўтказишга қаратилган семинарлар ва турли тадбирлар ташкил этилаяпти. Уларда сенаторлар, депутатлар, экспертлар, ҳуқуқшунослар, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан соҳага доир миллий қонунчилик, ундаги ўзгартиш ва қўшимчалар, маҳалла институтини такомиллаштириш бўйича давлат сиёсати ҳамда маҳаллалар қошидаги комиссиялар фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берилмоқда. Чунончи, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Муҳими, учрашувлар чоғида фуқаролар йиғинлари сайлови билан боғлиқ жараёнлар нечоғлик очиқлик, муқобиллик ва тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида ташкил этилаётганига гувоҳ бўлдик. Дарҳақиқат, бугун халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллага муносиб номзодларни танлаш борасидаги ташаббуслари ва саъй-ҳаракатларида яққол намоён бўлмоқда. Бу эса фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови юқори даражада ўтади, деганидир.

Мухтасар айтганда, ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга юртимиз барча ҳудудларида пухта ҳозирлик кўрилмоқда, яъни фуқаролар йиғини сайловини ошкоралик, муқобиллик, тенглик тамойиллари асосида ўтказишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, бу тадбирни юксак даражада ўтказиш муносиб фуқаролар сайланишини кафолатлайди. Ўз навбатида, улар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этадилар ва пировардида эл-юрт тинчлиги, ободлигига ҳамда халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладилар.

Отабек АБДУҒАНИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси

Ҳуқуқий маслаҳат

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИГА САЙЛОВЛАР — МУҲИМ ЖАРАЁН

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда ошкоралик масалаларига қандай эътибор қаратилади?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш очиқ ва ошкора амалга оширилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар воқиф этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар ҳақида, овоз бериш якунлари тўғрисида хабардор қилинади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш қандай бораётганлиги оммавий ахборот воситалари томонидан ёритиб борилади.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишда тенг сайлов ҳуқуқи қай тариқа таъминланади?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга бўлади.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари қандай муддатга сайланади?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, фуқаролар йиғинини чақириш имкони бўлмаган тақдирда эса, фуқаролар вакилларининг йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

— Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш тартиби қандай?

— Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳудудида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади.

Комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгаши қарори билан тузилади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даврига тузилади. Туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови эълон қилинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

Комиссиялар таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинларининг, давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар комиссияга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларга қандай талаблар қўйилади?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизда энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва муқобил энергетикани ривожлантириш иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 5 майдаги "2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сиғимини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Пойтахтимизда ўтказилган "Green Forum – 2016" илмий-техник форуми соҳада амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги вазифалар, миллий ва халқаро тажриба муҳокамасига бағишланди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда халқаро ташкилотлар экспертлари, олимлар ва тадбиркорлар иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институти лаборатория мудири, академик Р.Зоҳидов, Осиё тараққиёт банки эксперти К.Мицухаши, Жаҳон банки бош мутахассиси И.Буранов ва бошқалар энергия ресурсларидан тежаб фойдаланиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили эканини таъкидлади.

Муқобил энергия манбаларини қўллаган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқариш, тарқатиш ва истеъмол қилиш соҳаларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Шу мақсадда мамлакатимизда энергия самарадорлиги ва энергия тежаш соҳаси бўйича экспертлар ва амалиётчи мутахассислар жалб қилиниб, илғор хорижий тажриба кенг ўрганилмоқда.

– Ўзбекистонда энергия самарадорлигини таъминлаш, муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Осиё тараққиёт банки эксперти Кейджу Мицухаши. – Самарқанд вилоятидаги қуввати 100 мегаваттни ташкил этадиган қуёш фотоэлектр станцияси лойиҳаси бу борада амалга оширилаётган ишларнинг ёрқин намунасидир. Электр энергияси ва газ ҳисоблаш тизимини автоматлаштириш юзасидан Ўзбекистонда тўпланган тажриба эса таҳсинга лойиқ.

2020 йилгача Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ҳам ана шундай қувватга эга қуёш электр станциялари бунёд этилиши кўзда тутилган.

Тадбирда Ўзбекистонда энергия тежайдиган технологиялар, муқобил энергия манбалари жорий этилишини рағбатлантириш, мазкур йўналишни янада ривожлантиришдаги имкониятлар, электр энергетикасининг бугунги ҳолати ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари каби долзарб масалалар юзасидан фикрлашилди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

Сергели тумани ҳокимлиги, туман прокуратураси, Бандликка кўмаклашиш маркази, тижорат банклари ва таълим муассасалари ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда тумандаги 50 га яқин корхона ва ташкилотлар мингга яқин ўзларининг бўш иш ўринлари билан қатнашди.



БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ



— Бу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, — дейди Сергели тумани бандликка кўмаклашиш маркази директори Лола Закирлаева, — иш билан банд бўлмаган аҳоли ҳамда коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, шу билан бирга 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш мақсадида ташкил этилмоқда. Ўтган биринчи чоракда Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланган бандлик дастурига мувофиқ 1,5 мингга яқин иш жойлари яратилган бўлиб, бу кўрсаткич йил охиригача 7 мингдан ошади.

Айтиш жоизки, Сергели туманида 7 та касб-ҳунар коллежи, 1 та академик лицей бўлиб, уларни 3 мингдан ортиқ ўқувчилар битиришмоқда. Тадбирда "Ўрта Осиё транс", "Тошшаҳарнур", "Ория текс" каби йирик корхоналарнинг иштироки кузатилди. Тумандаги тижорат банклари имтиёзли кредит бериш бўйича маслаҳатларини беришди. Бу йил 24 та умумтаълим мактабини 2872 та 9-синф ўқувчиси битиради.

— Жорий йилда коллежимизни 814 ўқувчи тамомлайди, — дейди Сергели тиббиёт коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Дилшода Хурсандова, — уларнинг барчаси тадбирда қатнашиб, мавжуд бўш иш ўринлари билан танишмоқда.

— Шу йили ўрта махсус таълимни битираман, — дейди Сергели политехника коллежи ўқувчиси Санжар Тўхтаев, — ушбу ярмаркада иштирок этиб, ўзим учун керакли маълумотларни олдим. Агар олий ўқув юртига киролмасам, саноат корхоналаридан бирида ишлаш ниятим бор.

Тадбирда Ҳунармандлар уюшмаси аъзоларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

АКТ СОҲАСИДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Форумда меҳмонларга мамлакатимизда АКТ соҳасини ривожлантириш, бу йўналишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида маълумот берилди. Жанубий кореялик мутахассислар Ўзбекистонда иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва жамият ҳаётига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, IT-саноати стратегиясини янада такомиллаштириш, технологиялар ва инфратузилмаларни ривожлантириш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасида олиб борилаётган ишларни юксак баҳолади.

– Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, "электрон ҳукумат" тизими фаолиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар жадал суръатлар билан амалга оширилаётгани, хусусан, бу борада ҳуқуқий асослар тобора мустаҳкамланаётгани таҳсинга сазовор, – деди Корея Республикасининг "SkyLake Investment" компанияси раиси ва бош ижрочи директори Чин Тэ Же. – Бундай саъй-ҳаракатлар самарасида Ўзбекистон яқин келажакда АКТ йўналишида илғор мамлакатлардан бирига айланиши шубҳасиз.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг устувор йўналишларидандир. Мамлакатларимиз мазкур йўналишда қатор истиқболли лойиҳаларни амалга ошираётир. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Инха университетида соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрланаётир. Ушбу таълим муассасасида талабалар халқаро андозалар асосида IT-саноати сир-асрорларини пухта ўрганиб, соҳадаги энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлмоқда.

– Анжуманда АКТни янада ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатилаётган интерфаол давлат хизмати турларини кенгайтириш бўйича мамлакатингизда салмоқли ишлар олиб борилаётгани ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдим, – деди Сеул миллий университети профессори Бёнг Жи Ли. – Ўзбекистоннинг АКТ соҳасида эришаётган ютуқлари менда ғоят катта таассурот қолдирди. Мазкур йўналишда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик фаол олиб борилаётгани бизни қувонтиради. Тошкентда Жанубий Кореянинг Инха университети филиали фаолият юритаётгани бу борадаги ўзаро муваффақиятли ҳамкорлигимизга ёрқин мисол бўла олади.

Форумда дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспорт қилиш, бу борада Жанубий Кореянинг илғор тажрибасини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилаётгани қайд этилди.

Тадбир иштирокчилари бизнес вакиллари билан олий ўқув юртлари ўртасида юқори малакали IT-мутахассисларини тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик, АКТни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари, мазкур тармоқнинг иқтисодиётни ривожлантиришда тутган ўрни, венчур фондларини ташкил этиш имкониятлари каби масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, тармоқда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Форум доирасида пойтахтимиздаги Инха университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси бизнес вакиллари ўртасида мазкур университетда Маслаҳат кенгашини ташкил этиш тўғрисида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан

ИККИ МИНГГА ЯҚИН ИЖОД НАМУНАЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган Тасвирий ва амалий санъат фестивали бошланди.



Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида ўтган фестивалнинг очилиш маросимида турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар вакиллари, санъатшунослар, профессор-ўқитувчилар, рассомлар, ҳунармандлар, ёшлар, мамлакатимиздаги элчихоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе, Словакия Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Иван Павол ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ижодкор ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ёшларнинг ўз севимли машғулотлари билан шуғулланиши учун барча зарур шароит яратилмоқда.

Навқирон авлод маънавияти, тафаккури, эстетик тарбиясини юксалтиришда тасвирий санъат муҳим ўрин тутади. Истиқлол йилларида барпо этилган санъат мактаблари, кўргазма заллари, турли фестивалларнинг самарасида ўғил-қизлар санъатга ошно бўлмоқда, истеъдодини юзага чиқармоқда.

Анъанавий Тасвирий ва амалий санъат фестивалида халқимизнинг бой мероси, соҳадаги замонавий тенденция ва ютуқлар намойиш этилади. Ёш мўйқалам соҳибларининг ижоди атрофлича таҳлил этилиб, уларга зарур кўмак ва маслаҳатлар берилади.

Фестиваль Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ташқи ишлар вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган. Кўргазмалар Марказий кўргазмалар зали, Тошкент Фотосуратлар уйи, Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейи, Халқаро маданият карвон саройи, Ўзбекистон давлат санъат музейида ўтказилади. Уларда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, рассомлик ва дизайн коллежлари, Бадиий академия тизимидаги таълим масканлари ўқитувчилари ва уларнинг шогирдлари ижоди билан танишиш мумкин. Фестиваль тадбирлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам бўлиб ўтади.

"Энг яхши ўқув муассасаси", "Энг яхши мураббий", "Энг яхши тасвирий санъат йўналиши", "Энг яхши кўргазма" сингари ижодий танловлар бадиий таълимни ривожлантириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга хизмат қилади. Моҳир мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, уста-ҳунармандлар иштирокидаги маҳорат сабоқлари талаба-ёшларнинг тасвирий санъатга оид билимларини бойитади. Кўргазмаларда ёшларнинг икки мингга яқин бадиий, амалий санъат бўйича ижод намунаси намойиш этилади.

– Фестиваль юксак савияда, байрамона руҳда ташкил этилган, – дейди Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Винод Кумар. – Бу ерда Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатининг бор салоҳияти ва жозибаси билан танишиш мумкин. Санъат байрами доирасида турли мамлакатлар тасвирий ва амалий, фотография санъатига оид кўргазма ҳам ташкил этилгани халқлар ўртасидаги дўстлик, маданий-маърифий ришталарни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

...Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залига туташ ям-яшил ҳудуд, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри рўпарасидаги хиёбон мароқ билан сурат ишлаётган ёшлар билан гавжум.

– Ушбу тадбир мамлакатимизда ёшларга эътиборнинг яна бир ифодасидир, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков. – Кўргазмаларда ижодкор педагоглар ва ёшлар ишларининг намойиш этилиши уларга ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди.

Тасвирий ва амалий санъат фестивалининг илк кунида Соғлом она ва бола йилига бағишланган кўргазма тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги санъат ўқув муассасалари ўқитувчиларининг асарлари намойиш этилди. Марказий кўргазмалар залининг бир қисмида мамлакатимиздаги элчихоналар кўмагида бир қатор хорижий давлатларнинг рассомлари ижодига оид кўргазмалар уюштирилди. Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида юртимиз тасвирий санъатининг тараққиёт босқичларига оид конференция, академик рассомлар иштирокидаги маҳорат сабоқлари ташкил этилди.

Назокат УСМОНОВА

Таълим

МАҲОРАТЛИ ПЕДАГОГЛАР АНИҚЛАНДИ

Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ўртасида ўтказилаётган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди.

Танловда турли фанлар бўйича 12 нафар иштирокчи ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди. Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг мураккаб мавзулар бўйича очиқ дарслар ташкил этиши, замонавий ахборот технологиялари, интерфаол усулларни амалиётга жорий қилиши, дарс жараёнида таълим-тарбия уйғунлигини таъминлаши, ёшларни миллий истиқлол ғояларига содиқ, ватанпарварлик руҳида тарбиялаётгани бўйича маҳоратини баҳолади.

– Президентимиз раҳнамолигида биз, устоз-мураббийларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига танлов ғолиби, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Жамолиддин Нурмуҳаммедов. – Бу бизни янги марраларга етаклаши баробарида жисмонан ва маънан соғлом, ақлан етук авлодни тарбиялашда зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

А.ҚИЁСОВА

Тадбирлар

ЁШЛАР БИЛАН ҚИЗҒИН МУЛОҚОТ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" шиори остида бир гуруҳ санъаткорлар ва ёзувчи, шоирлар билан талабалар ўртасида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Республикамизнинг барча таълим муассасаларида ўтказилаётган ушбу тадбир ёшларимиздаги бугунги кунга бўлган шукроналик туйғусини, тинчлик қадрини, ўтмишнинг сабоқларини ва мустақиллик деб аталмиш бебаҳо неъматимизнинг қимматини янада мустаҳкамлайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар яқин тарихимиздаги қийинчиликлар, ўзбекнинг қандай кунларни бошидан ўтказганликларини, халқимизнинг оғир турмуш тарзини бир-бир эслаб мисоллар билан келтириб ўтдилар.

— Ёшлигимда онам билан пахта териб, тинимсиз меҳнат қилардик. Афсуски, ўзимиз пахтадек неъматни терардигу эгнимизга нейлондан кийим киярдик, — дейди шоира Фароғат Худойқулова. — Аммо бугунги обод ва фаровон ҳаётимизнинг қадри, унинг қиммати, эртанги кунимизнинг ёрқин истиқболи ўша нотинч ва очарчилик даврини хотирадан ўчиргандек гўё. Қолаверса мустақилликка эришганимиздан сўнг давлатимиз томонидан ёшлар учун кенг имкониятлар яратилиб берилмоқда.

Дарҳақиқат талабаларнинг кўпчилиги мустақиллик фарзандлари бўлсада, тарихдаги бу аччиқ ҳақиқат барчамизга аёндир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кун учун шукрона айтиб яшамоғимиз даркор.

Шунингдек тадбирда халқ севиб, ардоқлаган санъаткорларимиздан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Зокирова, актрисалардан Замира Бешимова, Хуршида Арабшоева, "Ниҳол" мукофоти совриндори, хонанда Отабек Муталхўжаев ва бошқалар талабалар билан яқиндан мулоқотда бўлдилар ҳамда ўзларининг эзгу тилакларини изҳор этиб, бугунги кун ёшларига ҳавас қилса арзишини таъкидлаб ўтдилар.

Ушбу ўтказилаётган тадбирлар албатта ўз самарасини беради. Шунингдек ривожланиб бораётган, ўз йўлидан оғишмай, шаҳдам қадам ташлаётган мамлакатимизга кўз тикаётган ёвуз кучларнинг таҳдидига ёшларда ўзига хос иммунитет шакллантиришга беқиёс замин яратади.

Бу каби учрашув ва жонли мулоқотларни ўтказишдан асосий мақсад ҳам шундан иборатдир.

Роза АРТИКБОЕВА,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти 2-босқич талабаси

ЁТ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИМИЗ

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида "Маънавиятимизга таҳдид – ўзлигимизга таҳдид" мавзуида тадбир ўтказилди.

Тадбирда Республика маънавият тарғибот марказининг масъул ходимлари, халқ санъати арбоблари, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Унда сўзга чиққанлар ёшлар тарбиясига эътиборли бўлиш, ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланиш, сиёсий-ҳуқуқий ва диний-маърифий дунёқарашларни шакллантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

— Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам тарзда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб беришимиз керак, — дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти магистранти Муслимбек Абдуваҳобов. — Институтимизда бу каби тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилади. Айниқса, устозларимизнинг ўгитлари биз талабаларга яхши тарбия бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Мазкур давра суҳбатидан тенгдошларим билан бирга ўзимизга керакли хулосани олдик.

Дарҳақиқат, ёшларнинг соғлом мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларнинг огоҳлик ва ҳушёрликларини кучайтириш ҳамда Ватан туйғусини янада чуқурроқ сингдириш кераклигига барчамиз масъулдирмиз.

Зафар НАЗАРОВ

ОИЛА — ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ

Оила жамиятнинг бир бўғини ёки айтиш мумкинки, унинг ўзи — кичик бир жамият. Ўзига яраша қонун-қоидалари мавжуд оилада мазкур қоидаларга унинг ҳар бир аъзоси амал қилиши керак. Кичик жамият бошқарувчиси бўлмиш — ота томонидан фарзандларга бевосита гап-сўз ва ҳаракатлар орқали, қизларга эса, бу борада оналар ўргатиши минг йиллик анъанадир. Шу зайлда икки томонлама амалга ошириладиган тарбия натижасида оила одоби шаклланиб боради.

Демак, ота-онанинг фарзандлар олдидаги, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчларини адо этиши оиланинг жамият олдидаги бурчини тўғри бажараётганидан далолат беради. Бола тарбиясини айнан у туғилишидан кейин эмас, аксинча она қорнидалигиданоқ бошлаш керак, дейди доно халқимиз. Бунинг сабаби оддий, яъни, она қорнида бола ривожланади, унинг тўғри ривожланишида онанинг роли жуда муҳим аҳамият касб этади. Бола туғилгандан сўнг то мактабга боргунга қадар, энди-энди тили чиқиб, гапира бошлашида, ота-она томонидан тўғри йўлга солинса бола айнан яқинларининг айтган гапларини такрорлайди, уларга тақлид қилади. Бунда ота-она ўз боласига тўғри сўзларни ўргатишга ва бола онгига жиддий таъсир кўрсатадиган, бола тарбиясини бузадиган сўзлардан уни асраши даркор. Бу жараёнда онанинг роли беқиёс. Зотан она боласини меҳр билан тарбиялайди, оқ ювиб, оқ тарайди.

Бола етти ёшига етгунга қадар унинг онги ривожланиб, ўз мақсадларини белгилай бошлайди. Ундан агарда, "Катта бўлсанг ким бўласан?", дея савол берсангиз дадил туриб "Ўқитувчи" ёки бошқа бир касб эгаси бўлишини айтади. Бундан кўриниб турибдики, бола дунёвий билимларни эгаллашга тайёр. Бола мактабда таълим-тарбия олиши бу дунёвий билимларни эгаллашига замин яратилганидан далолат беради. Мактабда бола қай тариқа билим олади? У то мактаб ёшига етгунча оилада ота-онасидан қандай тарбия олган бўлса, худди ўша тарбияни мактабда амалда кўрсатади. Яна бир нарсани таъкидлаш жоиз, мактабдаги таълим-тарбия болани бутунлай ўзгартиради, энди бола эмас, ўспирин йигит ёки қизга айланади. Йигит-қизларимизнинг тарбия олишида мактабнинг ўрни катта, албатта. У устозларидан ўрганганларини ҳаётда қўллай бошлайди.

Бола тарбиясида маҳалланинг ҳам ўз ўрни бор. Кўча-кўйда кўрган билганларига қараб боланинг қилаётган амаллари, бажараётган ишлари ҳам ўзгариши мумкин. Бундай ҳолларда маҳалла-кўй ҳам унинг ҳаракатларини тўғри йўналтиришга ва агарда бола "нотўғри" қадам ташлаётган бўлса, дарҳол у билан тушунтириш ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Фарзандларнинг оиладаги юриш-туриши, хатти-ҳаракати, бир-бирига нисбатан муомаласи қандай бўлаётгани уларнинг одоб доирасини белгилаб беради. Бинобарин жорий йилга давлатимиз раҳбари томонидан "Соғлом она ва бола йили" деб ном берилиши айнан ёшларимизнинг соғлом ва баркамол, ақлан етук фазилат эгаси бўлиб етишишлари учун замин яратади. Жумладан мактабларда таълим-тарбия олаётган ўқувчиларга бўлган муносабат ҳамда эътибор, улғайиб келаётган ёшларга қай йўсинда тарбия берилаётганлиги, уларни катта ҳаётга қандай тайёрланаётганлиги ҳар жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаш лозим, балоғат ёшига тўлмаган қизларни эрта турмушга бериш, уларни оила масъуллигига ёшлигиданоқ бириктириб қўйиш турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабдан ҳам бу масала юзасидан маҳаллаларда ота-оналар билан суҳбатлар уюштиришимиз, бу борадаги асосли фикрларни айта олишимиз шарт деб ўйлаймиз. Оилада яхши тарбия кўрган бола жамият учун ҳам фойдали шахс бўлиб шаклланади. Демак, оила тарбияси энг биринчидир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, эртанги кунимиз равнақи учун хизмат қила оладиган фарзандларни тарбиялаш, камол топтиришда оила ва жамиятнинг ҳаётимиздаги роли катта аҳамият касб этади. Шундай экан, бугун биз ҳар биримиз оилаларимизнинг тинч ва фаровон бўлиши учун, фарзандларимизнинг баркамол бўлиб етишишларида ўз ҳиссамизни қўшишга масъулмиз. Фарзандларимиздан эса, ўз навбатида, аввало оилада, таълим муассасаларида олаётган тарбиялари орқали ўзларига билдирилаётган ишончни тўла оқлашлари талаб этилади. Инчунун, Ватан остонадан бошланар экан, оила унинг асосий бўғини эканлигини ҳис этиб яшаш ҳар биримизнинг зиммамиздаги вазифадир.

Маъмур ПАРМОНОВ,
журналист

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, замонавий технологияларни чуқур эгаллашига кўмак бериш ҳамда илм-фан соҳасидаги изланишларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.

БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИ БОЙИТИЛДИ

Бунинг натижаси ўлароқ, изланувчан ёшларимиз илм-фан, технология, санъат ва маданият соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Тошкент давлат юридик университетида бўлиб ўтган "Илмий тадқиқот ишларини амалга оширишнинг илмий-услубий масалалари" мавзусидаги семинарда мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Юристлар малакасини ошириш маркази ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, тадқиқотчилар ва магистрантлар иштирок этди.

Мазкур семинар илмий тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот билан шуғулланаётган мустақил изланувчилар, катта илмий-ходим изланувчилар, магистратура талабалари ва ёш педагог ходимларнинг бу борадаги фаолиятига услубий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида ўтказилди.

– Бугунги семинарда илмий тадқиқот ишини қандай бошлаш, унинг ёзилиш тартиби, унда қандай асосий қоидаларга эътибор бериш керак ва тадқиқот ишини фақатгина қоғоздаги назарий жиҳатларини эмас, балки эртага амалиётдаги муаммоларга ечим топиши бўйича ўзимизга керакли билим ва кўникмаларни олдик, – дейди университет магистранти Феруза Тўлаева. – Шунингдек, мавзуим юзасидан хорижий давлатлар тажрибасини айнан қайси жиҳатларини олишим ва уларни миллий қонунчиликка қандай татбиқ этиш юзасидан пайдо бўлган саволларимга батафсил жавоб олдим.

Тадбирда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда қонунни қўллаш амалиётининг эҳтиёжи ва муаммоларини аниқлай олиш, уларни эътиборга олган ҳолда илмий-назарий тавсиялар ва амалий ишланмаларни илгари суриш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишнинг услубий масалаларига бағишланган семинарда докторлик диссертацияси натижаларини хорижий нашрларда чоп қилиш, диссертация тайёрлашнинг концептуал масалалари, магистрлик тадқиқот ишларини тайёрлашнинг назарий ва амалий жиҳатларига қаратилган маърузалар тингланди.

Абдуалим САЛИМОВ

Спорт янгиликлари

ИККИ ЎЙИН ВА ИККИ ҒАЛАБА

Жасур Абдураимов бош мураббийлигидаги 19 ёшгача бўлган чарм тўп усталаридан таркиб топган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси пойтахтимизда уюштирилган ўқув-машғулот йиғинини самарали якунлади.

Чунки 13-30 октябрь кунлари Баҳрайнда ёшлар ўртасида футбол бўйича ўтказиладиган Осиё чемпионатида Жасур Абдураимов шогирдлари юртимиз шарафини ҳимоя қилишади. Ушбу нуфузли турнирда Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг фақат совринли ўринлар учун баҳс олиб боришига шубҳа йўқ. Шу боис ҳам Тошкентдаги йиғин доирасида ёшлар терма жамоамиз аъзолари иккита назорат-ўртоқлик учрашувларида жисмоний ҳамда руҳий тайёргарликларини мураббийлар назаридан ўтказиб олишди.

Аввалига Бекободнинг "Металлург" клуби билан куч синашган ёшлар терма жамоамиз устунликка эришиб учрашувни 1:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал этди. Ягона голга Бобур Абдухолиқов муаллифлик қилди.

Терма жамоамиз иккинчи ўртоқлик баҳсини пойтахтимизнинг "Локомотив-БФК" командасига қарши уюштириб, бу ўйинда ҳам 2:0 ҳисобида зафар қучди. Темирйўлчилар дарвозасини Шароф Ҳайитбоев ва Санжар Қодирқулов аниқ нишонга олди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Пойтахтимизнинг "Пахтакор" марказий стадионида "Камолот" кубоги" футбол мусобақасининг Тошкент шаҳар финал ўйини бўлиб ўтди.

ШАҲАР БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ

Мусобақада Юнус Ражабий номидаги Тошкент давлат педагогика коллежи ҳамда Олмазор политехника коллежи ўқувчилари беллашдилар. Учрашув натижаларига кўра Юнус Ражабий номидаги коллеж жамоаси 6:5 ҳисобида ғалаба қозониб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

— Мазкур мусобақани ўтказишимиздан мақсад ёшларнинг жисмоний чиниқишини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий жалб қилиш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда иқтидорли футболчиларни аниқлаб, футболнинг янада ривожланишига кўмаклашишдир, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати ходими Азиза Раҳматуллаева. — 2015 йилда ушбу мусобақада 8800 нафар ёшлар иштирок этган бўлсалар, жорий йилда 11 326 нафар ҳаваскор футболчи ёшлар иштирок этди.

Бундан кўриниб турибдики, бу каби мусобақалар мунтазам ўтказиб турилиши юртимизда ёш авлоднинг спортга бўлган иштиёқини янада оширишга хизмат қилади.

Зафар АБДУЛЛАЕВ





Муҳаммад Амин олган суратлар

Осиё чемпионати — 2016

ОСИЁ ДЗЮДОЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

"Ўзбекистон" спорт мажмуасида дзюдо бўйича Осиё чемпионати бошланди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида Олимпия ва Осиё ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатларида Ватанимиз байроғини баланд кўтараётган спортчиларимиз сафи тобора кенгаймоқда, мамлакатимиз кўплаб йирик спорт анжуманларига мезбонлик қилмоқда.

2014 йили Гонконгда Осиё дзюдо уюшмасининг ижроия қўмитаси йиғилишида Ўзбекистонда спортнинг барча турлари қатори дзюдони ҳам ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, турли нуфузли анжуманларни ташкил этишдаги бой тажриба ва яратилган кенг имкониятлар инобатга олиниб, Осиё чемпионатига мезбонлик қилиш ҳуқуқи Тошкент шаҳрига берилди. Пойтахтимизда 2005 ва 2012 йилларда ҳам қитъа чемпионати юқори даражада ўтказилган. 2013 йилдан буён ҳар йили Гран-при туркумидаги халқаро турнир мунтазам ташкил этилмоқда.

"Ўзбекистон" спорт мажмуасида 15 апрель куни Осиё чемпионатининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Байрамона безатилган спорт мажмуаси меҳмонлар, спортчи ва мураббийлар, мухлислар билан гавжум. Майдонга иштирокчи давлат терма жамоалари кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

– Ўзбекистонда спортни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг самараларини бермоқда, – дейди Осиё дзюдо уюшмаси президенти Обейд Ал-Анзий. – Ўзбекистон спортчилари, хусусан, дзюдо усталари Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юксак натижаларни қайд этмоқда. Тошкент шаҳри мезбонлик қилаётган Осиё чемпионати ҳам юқори савияда ўтишига ишончимиз комил.

Халқаро дзюдо федерацияси, Осиё дзюдо уюшмаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз дзюдо федерацияси томонидан қатор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган Осиё чемпионатида ўттиздан зиёд давлатдан 230 дан ортиқ энг кучли спортчи совринли ўринлар ва жорий йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма беруvчи муҳим рейтинг очколари учун курашмоқда.

Дзюдо – мамлакатимизда жадал ривожланаётган олимпия спорт турларидан. Ўзбекистон дзюдо усталарининг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, турли нуфузли турнирларда мунтазам совринли ўринларга сазовор бўлаётгани, янги-янги истеъдод эгаларининг кашф этилаётгани ўзбек дзюдо мактаби шуҳрати янада юксалишидан далолатдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон дзюдо федерацияси томонидан спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун қулай шароитлар яратилмоқда.

Осиё чемпионатида мамлакатимиз шарафини Диёрбек Ўрозбоев, Абдужалил Юсупов, Мирали Шарипов, Шаҳзод Собиров, Яҳё Имомов, Шерали Жўраев, Сойиб Қурбонов, Рамзиддин Саидов, Абдулла Тангриев ҳимоя қилмоқда. Хотин-қизлар ўртасида Муқаддас Кубеева, Омонгул Алланазарова, Гулнор Сулаймонова, Нодира Гулова, Диёра Келдиёрова, Муҳайё Иброҳимова, Гулноза Матниёзова, Кумуш ва Нодира Йўлдошевалар каби иқтидорли спортчиларимиз беллашмоқда.

Чемпионатнинг дастлабки кунида бўлган беллашувларда Диёрбек Ўрозбоев (60 кг) кумуш медаль, Мирали Шарипов (73 кг) бронза медаль билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ, Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбирлари

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ"

танловига марҳамат!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти" танловида қатнашишга таклиф этади.

Танловга **2015 йилнинг 1 июнидан 2016 йилнинг 1 июнигача** газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

"Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Телефонлар: 244-64-61, 244-37-87. www.journalist.uz

Кўрик-танловлар

БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР

Чилонзор Матбаа касб-ҳунар коллежида туманда жойлашган 11 та касб-ҳунар коллежлариаро "Балли, ёшлар" кўрик-танлови ўтказилди.

Ундан кўзланган асосий мақсад ўғил-қизларимизнинг Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатларини кучайтириш, келажакда баркамол авлод бўлиб етишишидаги фаоллигини ошириш, уларни миллий анъана, урф-одатлар, халқ оғзаки ижоди, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш давлатимиз томонидан ёшлар учун яратиб берилаётган имконият ва шарт-шароитларни кенг тарғиб этишдан иборат.

Кўрик-танловда танишув, 12 та вилоятнинг миллий урф-одатлари, қадриятлари ва миллий ўйинларини тарғиб этувчи саҳна кўриниши, халқ оғзаки ижодидан намуналар, лапарлар, миллий рақс каби шартлар асосида беллашдилар.

Қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтган танловда 1-Республика тиббиёт коллежининг "Соғлом авлод" гуруҳи биринчи, Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежининг "Ниҳол" гуруҳи иккинчи, Чилонзор Матбаа коллежининг "Нафосат" гуруҳи учинчи ўринни қўлга киритди.

Тадбир сўнгида ғолибларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛАЙЛИК

Олмазор тумани Политехника касб-ҳунар коллежида пойтахтимизда фаолият юритувчи юқумли касалликлар шифокорлари, ДСЭНМ ходимлари, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси вакиллари иштирокида "Қрим-Конго геморрагик иситмаси касаллиги тарқалиши хавфи туғилганда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар давлат қуйи тизими хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари" мавзусида махсус тактик ўқув машғулоти ўтказилди.

Тадбир уч босқичда ташкил этилди, унинг назарий қисмида Қрим-Конго геморрагик касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, касаллик учраганда унга қарши кўрилиши керак бўлган чоралар ҳақида маълумотлар берилди. Шундан сўнг иштирокчилар Олмазор туманидаги 18-сонли оилавий поликлиника ҳамда 1-сонли шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида бўлиб, кўргазмали махсус тактик ўқув машғулотини ўтказишди.

— Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад Тошкент шаҳрида Қрим-Конго геморрагик касаллиги аниқланганда тиббиёт ходимларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш, билимларини синовдан ўтказиш ва уларда амалий кўникмалар ҳосил қилишдир, — дейди Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Хайрулла Ҳамидов. — Касаллик тарқалиши хавфи туғилганда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар давлат қуйи тизими хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари, уларнинг тегишли идораларга ҳамда раҳбарларга ахборот етказиши, юзага келган хавфни бартараф этиш бўйича амалий ҳаракатлари бўйича профилактик тадбирларни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, йирик ва майда шохли ҳайвонларда учрайдиган иксод каналари ўта хавфли юқумли касаллик ҳисобланган Қрим-Конго геморрагик иситма касаллиги вирусининг ташувчисидир. Ушбу касаллик одамга ўзида геморрагик иситма вирусларини сақлайдиган каналарнинг чақиши, канани эзиб ўлдириш ва қўлларни кана қони билан ифлосланиши натижасида юқади. Республикамизнинг айрим вилоятларида ушбу касалликка чалинган беморлар рўйхатга олингани таъкидланди. Шунинг учун ҳам тадбирда бу касалликнинг олдини олиш учун профилактик ишларни кучайтириш, мутасаддилар масъулиятини ошириш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Ш.ЗОКИРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг бир неча ижро варақаларига бирлаштириб қўзғатилган ижро ишига асосан, "159-қурилиш трестига қарашли ҚБ-9" АЖга тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 2799 кв.метрдан иборат бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 070 226 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 20 май куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 18 май куни соат 18:00. Кўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон ф-лдаги: МФО: 01036, СТИР: 207122519, 20208000204920609019 ҳ/рга тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Тел: (0371) 236-38-28. www.1kms.uz. Лицензия RR-0001.

"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2016 йил 10 май куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги хатланган мол-мулклар қўйилмоқда: I. Сергели туман СИБ томонидан, 24.04.2015й. кунги 10-1510/8500-сонли ижро варақа, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Жун Ариқ кўчаси, 27а-уйда сақланаётган: 1. 1985 йилда и/ч дав. бел. 01/250NBA бўлган "Маз5551" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 077 423 сўм. 2. 1992 йилда и/ч дав. бел. 01/248NBA бўлган "Маз5551" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 211 795,20 сўм. 3. 1986 йилда и/ч дав. бел. 01/508BDA бўлган "Зил130" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 163 250,69 сўм. 4. 1997 йилда и/ч дав. бел. 01/249NBA бўлган "Уаз-452Д" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 274 044,67 сўм. 5. 2003 йилда и/ч дав. бел. 01/247NBA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 10 294 179,07 сўм. 6. 1995 йилда и/ч дав. бел. 01/509BDA бўлган "Газ310910" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 4 140 353,28 сўм. 7. 24.12.2015й. кунги 10-1506/22916-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/158MDA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 30 000 000 сўм. II. Бектемир туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 14.03.2014й. кунги 1-30/2014-сонли ижро варақа: 1. 1980 йилда и/ч дав. бел. 10/S513EA бўлган "Газ24" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 378 403,60 сўм. 2. 1990 йилда и/ч дав. бел. 10/R095EA бўлган "Газ24" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 635 211,90 сўм. 3. 12.02.2013й. кунги 1-13/13-сонли ижро варақа, 1991 йилда и/ч дав. бел. 01/823NBAбўлган "Кавз3271" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 327 308 сўм. 4. 12.02.2013й. кунги 1-13/13-сонли ижро варақа, 1987 йилда и/ч дав. бел. 01/935TBA бўлган "Газ5205" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 1 327 308 сўм. 5. 8.04.2013й. кунги 1-74/13-сонли ижро варақа, 1977 йилда и/ч дав. бел. 10/R769CA бўлган "Ваз2103" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 570 662,80 сўм. 6. 27.03.2015й. кунги ижро варақа, 1988 йилда и/ч дав. бел. 10/D781GA бўлган "Москвич 412" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 035 609 сўм. 7. 7.05.2014й. кунги 1-363/2014-сонли ижро варақа, 2005 йилда и/ч дав. бел. 01/V832HA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 294 878,50 сўм. 8. 11.04.2014й. кунги 1-306/2014-сонли ижро варақа, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10/E718GA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 281 588,80 сўм. 9. 9.07.2015й. кунги 1-161/2015-сонли ижро варақа, 1998 йилда и/ч дав. бел. 10/199TTA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 12 169 185,10 сўм. 10. 19.02.2015й. кунги 1-89/2015-сонли ижро варақа, 2012 йилда и/ч дав. бел. 01/D854TA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 348 588,10 сўм. 11. 25.08.2014й. кунги 1-495/14-сонли ижро варақа 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/M791PA бўлган "Ваз2107" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 14 353 132,50 сўм. 12. 20.05.2014й. кунги 1-126/14-сонли ижро варақа, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/C274KA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 24 978 312 сўм. 13. 14.07.2015й. кунги 1-451/2015-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/R654CA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 837 197,60 сўм. 14. 30.07.2014й. кунги 1-442/14-сонли ижро варақа, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01/E364CA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 733 734 сўм. 15. 24.02.2015й. кунги 1-06/15-сонли ижро варақа, 1999 йилда и/ч дав. бел. 10/J307DA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 139 980,30 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Тел: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **20 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Гарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсиши мумкин. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи — 18-20 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **20 апрелда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 455

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10372 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ